O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 26 октябрь, № 212 (4365) Жума

# ЙИГИТЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

**Мардлар қўриқлайди Ватанни!**

***Шу кунларда Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пункти гавжум. Ҳарбий хизматга отланаётган йигитлар, уларни кузатишга келган ота-оналар, ёру дўстларнинг кайфияти чоғ. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳомий ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган концерт дастури, эсдалик совғалари ва тўкин дастурхон атрофидаги мулоқотлар бу ердаги байрамона руҳни янада кучайтиради.***



Бир хил спорт кийимидаги ёшларнинг қадди-қоматини кўриб, ҳавасингиз келади. Уларнинг чақнаб турган кўзларида қалбларидаги ғурур туйғусининг ёлқинлари акс этиб турибди. Кузатиш маросимининг тантанали қисми, одатдагидек, дил изҳори билан якунланади. Мудофаа ишлари бошқармаси ходимлари, маҳаллий ҳокимият, ҳомий ташкилотлар вакиллари, ота-оналар ҳарбий хизматга кетаётган ёшларга «оқ йўл» тилашади, эзгу тилаклар билдиришади, Ватан ҳимоячиси деган номга содиқ бўлишни астойдил тайинлашади.

— Бу йигитларнинг бир-биридан келишган, соғлом ва бақувватлиги, гап-сўзларининг баъманилиги бежиз эмас, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Мунаввар Эгамназаров. — Улар тест синов-

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Сенатида

***Буюк Ипак йўлида жойлашган, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳамда анъаналари, кўркам табиий қўриқхоналари бўлган Ўзбекистон чет эллик сайёҳларни тобора кўпроқ жалб этмоқда ва мафтун қилмоқда.***

*БУЮК ИПАК ЙЎЛИ:*

# ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан биргаликда ташкил этган, "Буюк Ипак йўли" — Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш имконияти ва истиқболлари" мавзуига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида туризм ва туристик фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон ғарбни шарқ билан, жанубни шимол билан боғловчи асосий йўллар кесишувида жойлашганлиги тарихнинг тантилигидир. Бу ерда жаҳон миқёсида эътироф этилган маданий, тарихий ва меъморчилик обидалари жойлашган бўлиб, улар чет эл фуқароларида мамлакатимизга бўлган қизиқишни оширмоқда. Шу муносабат билан туристик бизнесни ривожлантиришга, бу соҳада хизмат кўрсатиш ва сервис даражасини янада оширишга мамлакатимиз раҳбарияти катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш, Ўзбекистонда иқтисодий фаолликни янада кучайтириш доирасида туризмни ривожлантириш, бу соҳада ишончли шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда, чет эллик туристларнинг кўплаб келишига эришишга қаратилган ҳаракатлар рағбатлантирилмоқда, туристик фаолиятнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланмоқда.

Масалани муҳокама қилиш асносида мустақиллик йилларида туристик хизматларнинг рақобатлашувга лаёқатли бозорини шакллантириш юзасидан институционал жиҳатдан ва сифат бўйича туб ўзгартишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Туризм соҳасида ихтисослашган хусусий операторлар фаолияти учун барча шароит яратиб берилмоқда, бу эса мамлакатимизга келаётган туристлар оқими кенгайишини таъминламоқда. Мамлакатда янгидан-янги туристик йўналишлар ишлаб чиқилмоқда, кўплаб замонавий меҳмонхоналар барпо этилмоқда, мавжуд меҳмонхоналар эса қайта қурилмоқда ва кенгайтирилмоқда — буларнинг ҳаммаси пировард натижада соҳани ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, давра суҳбати иштирокчилари туризм ва туристик фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, туризм соҳасига инвестицияларни жалб этиш ва кадрлар тайёрлаш, туристик хизматлар сифатини ошириш, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини чет элларда кенгроқ кўламда реклама қилиш ишларини кучайтириш, шунингдек, халқаро туристик ташкилотлар ва чет эллик шериклар билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш зарурлигини таъкидладилар. Сўзга чиққанлар туристик индустрия инфратузилмаси такомиллаштирилган, шунингдек, халқаро бозорга тақдим этилаётган туристик маҳсулотларнинг сифати ҳамда экспортга йўналтирилганлиги кучайтирилган тақдирдагина туризмнинг талайгина салоҳияти ишга солинишини мумкинлигини ҳам айтиб ўтдилар.

Тадбирда сенаторлар, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идораларнинг, дипломатик корпус, шунингдек Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси ва туризм операторларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА).

# 2007 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

***2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишида белгилаб берилган устувор йўналишларга мос равишда иқтисодиётни янада эркинлаштиришга ва бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик ва инвестициявий фаолликнинг ошиши макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларига эришиш имконини берди ва уларнинг ҳисобот даврида барқарор ривожланиши жорий йилдаги вазифалар ижросини таъминлаш учун мустаҳкам асос яратди.***

## I. Макроиқтисодий тенденциялар

**Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар**. Ҳисобот даврида иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланди ва прогноз кўрсаткичларидан анча юқори бўлди. Ялпи ички маҳсулот 9,8 фоиз, саноат маҳсулотлари 11,9 фоиз, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 18,4 фоиз, пуллик хизматлар 25,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 3,5 фоиз, экспорт 41,8 фоизга ўсиши таъминланди. Давлат бюджети даромадлари бўйича прогнознинг ижроси таъминланди, бу эса харажатлар бўйича кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш имконини берди.

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари**

*(Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар номи | 2006 йилнинг 9 ойи | 2007 йилнинг 9 ойи |
|---|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 107,3 | 109,8 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 110,2 | 111,9 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 120,9 | 119,8 |
| Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 107,1 | 103,5 |
| Асосий капиталга инвестициялар | 110,0 | 131,3 |
| Қурилиш ишлари | 110,7 | 120,4 |
| Чакана савдо айланмаси | 112,2 | 118,4 |
| Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш | 116,4 | 125,2 |

Қуйидагилар иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари бўлди:

**а) хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг юқори даражадаги инвестициявий фаоллиги.** Ушбу фаоллик давлат ёрдамининг кенг кўламли иқтисодий ва ташкилий чоралари

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***23-25 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Депутатлар Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасини давом эттирдилар.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси С. Маҳмудов маъруза қилди. Савол-жавоблардан кейин депутатлар тўқсондан зиёд моддадан иборат қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилишга киришдилар. Унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қонун лойиҳасини батафсил кўриб чиқиш пайтида айрим моддалар юзасидан улардаги нормаларни такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Қимматли қоғозлар бозори фаолият кўрсатишининг асосий принципларини ва унинг иштирокчилари доирасини белгиловчи моддалар бўйича қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида маромига етказиш учун тавсиялар берилди. Эмиссия қилинадиган қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва уларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш чоғидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар юзасидан ҳам таклифлар киритилди ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши ҳамда муомалада бўлиши, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият тўғрисидаги ва бошқа моддаларини ҳам муҳокама қилдилар. Масъул қўмитага муҳокама жараёнида депутатлар томонидан билдирилган фикрлар юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилди.

"Қимматли қоғозлар бозори" тўғрисидаги қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси Қонунчилик палатасининг 30 октябрда бўладиган кейинги мажлисида давом эттирилади.

(ЎзА).

# «ИНТЕРНЕТ ПЛАЗА» – ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНА БИР САМАРАСИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг Ахборот ва алоқа вазири Ю Ёнг Хван раҳбарлигидаги делегация аъзолари 25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Орипов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча жабҳаларда, жумладан, алоқа ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Корея делегацияси раҳбари Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш тизимига замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, шаҳарлар ва туманлар марказларидаги алоқа тармоқларини замонавийлаштириш, аҳоли, корхона ва ташкилотларга юқори сифатли телефон алоқаси ва маълумот узатиш хизматлари кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди.

Учрашувда алоқа ва ахборотлаштириш, жумладан, замонавий телекоммуникация воситалари ва мураккаб ахборот тизимларини кенг жорий этиш, юқори технологияли маҳсулотлар яратиш ҳамда соҳада юксак салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш борасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Тошкент ахборот технологиялари университетида "Интернет Плаза" Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур марказ энг замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган синфхона, интернет ва конференция залларини ўз ичига олади. Бу ерда юқори тезликдаги интернетдан университет талабалари билан бир қаторда

(Давоми 2-бетда).

# «ШАНХАЙ РУҲИ» ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Бир неча йил аввал халқаро сиёсатда "Шанхай руҳи" деган янги атама пайдо бўлди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатларнинг салоҳияти, иқтисодий тараққиёти, маданияти ўртасида муайян фарқлар мавжуд эканлигига қарамай, ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик, мулоқотлардаги тенглик, тараққиётга биргаликда интилиш ташкилотни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу омилларнинг барчаси "Шанхай руҳи"нинг асосий таркибий қисмларидир. ШҲТ саммитларида, ташкилотнинг турли мақомдаги анжуманларида ҳамиша ана шу руҳ ҳукм суради.***

ШҲТ давлатлари ўртасидаги гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда ҳам "Шанхай руҳи"нинг аҳамияти катта. Мамлакатларимиз сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, иқтисодий алоқаларга оид режаларни амалга ошириш баробарида маданият, санъат ва таълим йўналишларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. ШҲТ саммитларида аъзо ва кузатувчи мамлакатларнинг санъат усталари бир саҳнада гала-концерт ташкил этиши анъанага айланди. ШҲТ давлатларининг маданият ва таълим соҳалари учун масъул вазирликлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини, йиллик санъат фестивалларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Хитой ва Россия қадим урф-одат ва анъаналарга, бой тарихга эга эканлигини назарда тутиб, уларнинг гуманитар ҳамкорлиги ташкилот қамраган минтақада цивилизацияларaро мулоқотни ривожлантиришга йўл очмоқда. ШҲТ маконида "халқ дипломатияси"ни ривожлантириш мақсадида 2005-2006 йилларда Кўп томонлама маданий ҳамкорлик дастури муваффақият билан амалга оширилди. Айни пайтда 2007-2008 йилларга мўлжалланган шундай дастур ижроси давом этмоқда. У ШҲТ мамлакатлари маданият вазирларининг 2006 йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашида тасдиқланган. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида ШҲТ мамлакатларининг тасвирий ва амалий-декоратив санъатига бағишланган "Баҳор камалаги" мавзуидаги кўргазма ташкил қилинди.

Хитойнинг Хуанчжоу шаҳрида ташкил этилган "Сиху кўлини чизамиз" бадиий форуми, Қирғизистоннинг Чўлпон ота шаҳрида ўтказилган Иссиққўл кинофестивали жорий йилнинг маданий тадбирларидандир. Хуанчжоу форумида ШҲТ мамлакатларидан олтмишдан зиёд мўйқалам устаси иштирок этди. Иссиққўл кинофестивалида намойиш этилган фильмлар сони ҳам шунга яқин бўлди.

Ҳамкорликда ўтказилаётган маданий тадбирлар сони йилдан-йилга кўпайиб, бойиб

(Давоми 2-бетда).

# ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

*Куни кеча мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами катта тантана билан нишонланди. Президентимизнинг шу муносабат билан йўллаган байрам табригидаги "Ўзини фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш каби олижаноб ишга бахш этиб келаётган барча ватандошларимни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз", деган сўзлари бизни янада руҳлантириб юборди.*

*Бундай эътибор касбдошларимиз қалбида ўз Ватанига, Президентимизга, халқимизга бўлган ишончни ошириши билан бирга, бизни зиммамизга юкланган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ундайди.*

*Мен узоқ йиллардан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келаяпман. Шу касб эгаси сифатида ишонч билан айтишим мумкинки, Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.*

**Дил изҳори**

*Тизимимизнинг юқоридан қуйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди.*

*Табрикда зикр этилганидек, биз бугун мураккаб замонда яшамоқдамиз. Мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бунинг учун биз, байрам табригида белгилаб берилганидек, аввало, ўз ишимизга сидқидилдан ёндашишимиз, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби иллатлардан бутқул қутулишимиз, юксак профессионализм, хушмуомалалик билан одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа олишимиз лозим.*

*Президентимиз қўйган вазифалар барча касбдошларимизни янада сергак бўлишга, ўз хизмат вазифамизга янада чуқурроқ ёндашишга ундайди.*

*Зеро, Ватанга хизмат қилиш муқаддас бурчимиздир.*

**А. САТТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

# Саммит иш бошлайди



***Бугун Португалиянинг Мафра шаҳридаги Қирол саройида Россия — ЕИ саммити очилади.***

Унда Россия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги шартнома лойиҳаси муҳокама қилиниши кутилаяпти. Бундан бир йил муқаддам мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг имзоланишига Польша норозилик билдириб, вето қўллаганди. Польша расмий Москвадан мамлакатдан гўшт маҳсулотлари экспортига тақиқловнинг бекор қилинишини талаб этмоқда.

Манбада айтилишича, томонлар Косоводаги вазият ва Эроннинг ядро дастури масалалари ҳамда Яқин Шарқ муаммоси юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашишади.

# Ҳар ойда 10 миллиард доллар



АҚШ Конгресси яқин ўн йил давомида Ироқ ва Афғонистонда ўтказиладиган ҳарбий амалиётлар учун сарфланиши кутилаётган маблағ миқдори 2,4 триллион долларга етишини тахмин қилмоқда. Оқ уй матбуот котиби Дана Перино бундай хулоса чиқаришга шошилмасликни ҳамда вазият доим ўзгариб боришини таъкидлади. Бундан ташқари, у сарфланаётган маблағ мамлакат хавфсизлигига хизмат қилаётганини қайд этди.

Таъкидлаш керакки, Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётлар учун АҚШ ҳар ойда деярли 10 миллиард доллардан сарфламоқда. Конгресс вакили Вьетнам уруши даврида ҳам бунча маблағ сарфланмаганини билдирди.

# Ўт ёққан ким бўлди?

***Калифорния ўрмонларидаги ёнғин ҳали ҳам давом этмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мазкур офат ўрмон хўжалигига миллиардлаб доллар зарар келтирди.***

«Тилсиз ёв» штатдаги 165 минг гектар майдоннинг кулини кўкка совурди. 1,5 мингга яқин уйлар ўт ичида қолиб кетди.

Айни пайтда мамлакат Федерал қидирув бюроси ўрмонга атайин ўт қўйилганини тахмин қилиб, уни ким амалга оширгани ҳақидаги маълумотни тақдим этган шахсга 50 минг доллар мукофот ваъда қилмоқда.

# Муросага чорлаяпти

**Саудия Арабистони Подшоҳи Абдуллоҳ Сомалидаги зиддиятни бартараф этишда воситачилик қилмоқчи. Сомалида айни пайтда мамлакат президенти Абдуллоҳ Юсуф Аҳмад ва бош вазир Али Муҳаммад Геди ўртасида қаттиқ қарама-қаршилик юзага келган. Президент бош вазирни исёнчилар муаммосини ҳал этолмаганликда айблаб, парламентдан унинг истеъфога чиқарилишини сўрамоқда. Саудия Арабистони Подшоҳи томонларни музокаралар ўтказиш учун Ар-Риёд шаҳрига таклиф қилди.**

# Кескинлик юмшатилса...

Расмий Бағдод Туркияга курд жангариларини топширишга тайёр. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мазкур масала Ироқ Президенти Жалол Талабоний ва Туркия ташқи ишлар вазири Али Бобожон ўртасида ўтказилган музокаралар чоғида ҳал этилган.

Ироқдаги курдлар етакчиси Маъсуд Барзани Курд ишчилар партиясидан Туркияга қарши қуролли курашни тўхтатишни талаб қилди.

# «Airbus A380»нинг тарихий парвози



**Дунёнинг энг йирик самолётларидан бири «Airbus A380» дастлабки авиақатновни амалга оширди. Эслатиб ўтамиз, мазкур самолёт 850 нафар йўловчини сиғдира олади. «Singapore Airlines» компаниясига қарашли «Airbus A380» Сингапурдан Австралияга 450 йўловчини олиб борди. Мазкур қатновнинг чипталари махсус кимошди савдоси орқали сотилди. Маълумотларга қараганда, чипта сотувидан 1,32 миллион доллар келиб тушган.**

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


***Диққат! Диққат! Аукцион савдолари!!!***
***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор сармоядорлар! Сотиб олинг ва эгалик қилинг!***

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**оммавий очиқ тарзда ўтказиладиган, нархи юқорилаб борувчи аукцион савдоларига таклиф этади.**

Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали «Бухоротекс» ОАЖ бошқарувчиси билан ҳамкорликда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Бухоро вилояти хўжалик судининг 2007 йил 3 августдаги 20/0702/4819-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган, Бухоро шаҳар «Бухоротекс» очиқ акциядорлик жамияти кредиторлар қўмитасининг 2007 йил 28 сентябрдаги 2-сонли йиғилиш баённомаси қарорига асосан Бухоро шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 2-уйда жойлашган «Бухоротекс» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли мол-мулклар қуйидаги 7 та мулкий мажмуа сифатида қўйилган:

1. **1-йигирув-тўқув фабрикаси (ПТФ-1).** *Бошланғич баҳоси — 7 019 920 000 (етти миллиард ўн тўққиз миллион тўққиз юз йигирма минг) сўм.*
2. **2-йигирув-тўқув фабрикаси (ПТФ-2).** *Бошланғич баҳоси — 10 412 786 000 (ўн миллиард тўрт юз ўн икки миллион етти юз саксон олти минг) сўм.*
3. **Ип-калава бўяш фабрикаси (ПКФ).** *Бошланғич баҳоси — 622 424 000 (олти юз йигирма икки миллион тўрт юз йигирма тўрт минг) сўм.*
4. **Пардозлаш фабрикаси (КОФ).** *Бошланғич баҳоси — 1 907 185 000 (бир миллиард тўққиз юз етти миллион бир юз саксон беш минг) сўм.*
5. **Механика заводи (Мех. завод).** *Бошланғич баҳоси — 201 200 000 (икки юз бир миллион икки юз минг) сўм.*
6. **Автотранспорт корхонаси.** *Бошланғич баҳоси — 155 485 000 (бир юз эллик беш миллион тўрт юз саксон беш минг) сўм.*
7. **Тижорат маркази (Бизнес-центр).** *Бошланғич баҳоси — 170 807 923 (бир юз етмиш миллион саккиз юз етти минг тўққиз юз йигирма уч) сўм.*

**Очиқ аукцион савдоларига чиқарилган юқоридаги мол-мулклар мажмуаси қуйидаги шартлар асосида сотилади:**

- *мулкий мажмуадаги мол-мулклар талон-торож қилинмасдан, аксинча реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш йўналишини сақлаб қолган ҳолда замон талабларига мос равишда ривожлантириш;*
- *мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш;*
- *корхонани технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча сармоя киритиш;*
- *сотиб олинган мулк учун тўловларни бир ой муддат ичида амалга ошириш.*

**Мазкур мол-мулклар 2007 йилнинг 27 ноябрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 2-уй, «Бухоротекс» очиқ акциядорлик жамияти маъмурий бош биноси (2-қават, кичик йиғилишлар зали, 220-хона)да ташкил қилинадиган очиқ аукцион савдоларига сотилгунига қадар мунтазам равишда чиқарилиб борилади.**

Аукцион савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар аукцион ташкилотчиси — Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиалига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт;

- аукционда қатнашиш учун ариза;
- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномадан нусха, агар унинг номидан аукционда вакил қатнашса, қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспортдан нусха, агар унинг номидан аукционда вакил қатнашса, қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- закалат тўғрисидаги келишув;
- объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини аукцион ташкилотчисининг ҳисоб рақамига х/р: 20210000900571452052, АТИБ «Ипотека банк»и Сардор филиали, МФО 00119, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300) тўлаганлиги ҳақида тўлов топшириқномаси.

Тўлов топшириқномалари (квитанциялар)да аукцион санаси ва объектнинг номи аниқ кўрсатилиши лозим. Бир нечта аукцион объектлари бўйича закалат пули уларнинг ҳар бири учун алоҳида тўлов топшириқномалари билан тўланиши керак.

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари пул маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотларни қўшимча равишда тақдим этадилар.

Чет эл валютасидаги тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлаш кунида белгиланган курсига нисбатан амалга оширилади. Республика Кўчмас мулк биржаси валюта ҳисоб рақами 29800184090000901370, АТИБ «Ипотека банк» Тошкент шаҳри, С. Раҳимов филиали, МФО 00901, ИНН 200933850, ОКОНХ 83300.

Очиқ аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиалида қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш очиқ аукцион савдоси бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали вакили билан биргаликда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, (Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси биноси, 4-қават).**
**Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали.**
**Телефонлар: 8 (365) 223-71-30, 223-92-91.**
**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 № 000004.**

1571Я/1907



«Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси»га 2008 йил учун
## ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ахборотнома саҳифаларида:

- *Ўзбекистон Республикаси қонунлари;*
- *Олий хўжалик суди пленуми ва раёсати қарорлари;*
- *хўжалик судлари суд амалиёти тафсилотлари;*
- *чет эл арбитраж ва республика хўжалик судлари тажрибаси;*
- *қонунчиликни амалиётда қўллашга оид етук ҳуқуқшунос олимлар ва судьяларнинг чиқишлари.*

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида 908 ва 909 индекслари орқали амалга оширилади. Шунингдек, таҳририят орқали арзонлаштирилган нархда тўғридан-тўғри обуна бўлишингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 277-91-66, 277-96-60.

1497Н/1783



**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ**
## «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

**2007 йил 27 ноябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитен қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар, Фаробий ва Сағбон кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Фаробий» нимстанцияси.

***Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сўм 09 тийин.***

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитен қурилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, Бектемир тумани ҳокимияти рўпарасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Бойқаро» нимстанцияси.

***Бошланғич баҳоси — 11 634 105 сўм 77 тийин.***

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитен курилиш дирекциясининг «Метрополитен капитал курилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар Юнусобод мавзеси, 7-даҳа, Мирзааҳмедов кўчасидаги трамвайнинг охирги айланма бекатида жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Қорақамиш» нимстанцияси.

***Бошланғич баҳоси — 12 190 421 сум 81 тийин.***

*Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиали «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Ариза ва закалат пулларини қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади.*

***Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93.***

1580Н/1950 *Лицензия DB001-000010.*



## «Крокус Газ Сервис» ҚК

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

1504Н/1823



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru



*Азиз ва муҳтарам юртдошлар!*

SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ
## «САВДОГАР»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

**ЖАМОАСИ ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИГА ЎЗИНИНГ ҚУЙИДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**«ОҚ ОЛТИН»** — муддатли омонати — йиллик 25 %, 30 кун муддатга, минимал миқдор — *50 000 сўм.*

**«ОЛТИН КУЗ»** — муддатли омонати — йиллик 25 %, 90 кун муддатга, минимал миқдор — *200 000 сўм.*

**«АНТИҚА»** — муддатли омонати — йиллик 25 %, 180 кун муддатга, минимал миқдор — *500 000 сўм.*

**«ФАРОВОН ҲАЁТ»** — пластик карточка омонати — йиллик 16%, минимал миқдор — *10 000 сўм.*

*Сиз азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!*

**Манзилимиз: Тошкент ш., Саид Барака к., 78-уй. Тел.: 281-30-29, 254-18-65.**






ЎЗБЕКИСТОН ҒЎЗА СЕЛЕКЦИЯСИ ВА УРУҒЧИЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

**«Селекция ва уруғчилик» ихтисослиги бўйича 2007 – 2008-ўқув йиллари учун аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда танлов эълон қилади.**

*Ҳужжатлар 2007 йилнинг 15 ноябригача қабул қилинади.*

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар қўрғони, Университет кўчаси, ЎзҒСУИТИ. Тел.: 150-61-37, 63-89-69.**




# ТАСВИРЛАРДА ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

***«Маънавият» нашриёти томонидан «Дунёда бетакрор бу халқ, бу Ватан» деб номланган плакатлар мажмуаси чоп этилди. Ушбу плакатларда мамлакатимизда 16 йиллик мустақил тараққиёт давомида турли соҳаларда эришилган улкан ютуқ ва натижалар ёрқин манзаралар орқали акс эттирилган.***

**Маънавият**

Халқимиз ҳаётида, Ватанимиз тараққиётида ғоят муҳим ўрин тутадиган «Баркамол авлод — таянчимиз ва суянчимиз», «Мактаб — тараққиёт, маданият ва саодат калити», «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ», «Тарих — халқ маънавиятининг асоси», «Оила — маънавият қўрғони», «Обод маҳалла — обод кўнгилдан бошланади», «Юрт тинчлиги — энг катта бойлик», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» каби долзарб мавзуларни аниқ ҳаётий мисол ва лавҳалар асосида ёритишга қаратилган ушбу плакатларнинг ҳар бири ўзига хос маъно-мазмуни, дизайни ва бадиий хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан Қашқадарё вилояти Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган ушбу плакатлар мажмуаси юртдошларимиз, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси, ватанпарварлик фазилатларини, она юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдиришга хизмат қилади.




Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

***Чикаго (АҚШ) шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида келаси йили Пекинда бўладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи жаҳон чемпионати мусобақалари қизғин давом этмоқда.***

## Элшод ва Баҳодир кейинги босқичда



Аҳамиятлиси, унда тўлиқ таркиб билан қатнашаётган ҳамюртларимиз навбатдаги муваффақиятга эришдилар. Жумладан, кечаги кунги беллашувларда рингга кўтарилган ҳамюртимиз Элшод Расулов (75 кг.) чехиялик Сашка Янни (22:3), Баҳодир Султонов эса Аргентина давлати боксчиси Хесус Марсело Андрес Келлерни (31:13) мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўл олишди.

## Чорак финалчилар маълум

***Футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари соврини учун оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилаётган мини-футбол турнирида чорак финалда иштирок этадиган жамоалар номи маълум бўлди.***



Гуруҳ босқичидаги сўнгги тур учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Жамият" — МТРК 2:5, "Ҳуқуқ" — "Наврўз"FM 0:7, "Ўзбекистон овози" — "Ўзбекистон футболи" 6:6, "Ватанпарвар" — "Маърифат" 1:6, "Инсон ва қонун" — "Хонадон" 2:2, ЎзДЖТУ — "XXI аср" 10:3, "Спорт"ТВ — "Ҳордиқ" 5:0, "Машъал-Садо" — "Тошкент ҳақиқати" 1:1.

Демак, бугун ўтказиладиган чорак финал учрашувларида МТРК — ЎзДЖТУ, "Наврўз"FM — "Жамият", "Маърифат" — "Ўзбекистон овози", "Ўзбекистон футболи" — "Машъал-Садо" жамоалари майдонга тушадилар.

***Жанубий Кореяда академик эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионати якунланди.***

## Кореядаги ғалаба

Унда ҳамюртларимиз Дамир Наурзалиев ва Владимир Черненко жуфтлиги маррага учинчи бўлиб етиб келиб, бронза медали билан тақдирланди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Божхона

## Қуш уясида кўрганини қилади

***Тошкент вилоятидаги "Ғишткўприк" божхона комплекси ходимлари қўшни давлатга чиқиб кетаётган фуқароларни божхона назоратидан ўтказиш чоғида урганчлик Б. Ҳасанованинг хатти-ҳаракатларидан шубҳаланиб, уни шахсий кўрикдан ўтказишди.***

Натижада ушбу аёл 24 минг 700 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатмасдан, ноқонуний равишда қўшни республикага олиб чиқаётганлиги аниқланди.

Худди шундай ҳолат мазкур вилоятдаги "Мин-сув" божхона постида ҳам кузатилди. Қўшни давлатга чиқиб кетаётган фуқаро З. Нуралиева божхона ходимлари томонидан назоратдан ўтказилганда, у 6100 АҚШ доллари ва 534 минг қозоқ тенгесини четга яширин тарзда олиб чиқмоқчи эканлиги маълум бўлди.

Қорақалпоғистонлик Н. Кайшененова ўзига қўшиб 13 яшар қизи Айнурни ҳам қонунни бузишга ундади. У жами 14 минг 500 АҚШ долларини ўзининг ва қизининг ички кийимларига беркитган ҳолда қўшни давлатга чиқиб кетаётганида "Ғиштқўприк" божхона комплекси ходимлари томонидан фош этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, республикамиз божхоначилари томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли йил бошидан буён 1,5 миллион АҚШ доллари, қарийб 39 минг евро, 6 миллион Россия рубли ҳамда кўп миқдордаги бошқа нақд хорижий валюталарнинг юртимиз ҳудуди орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди.

## Яроқсиз маҳсулотнинг эгаси борми?

***Фуқаро Ё. Собитов бошқарувида юртимизга кириб келаётган "КамАЗ" русумли юк автомашинаси божхоначилар томонидан назоратдан ўтказилганда, машинанинг юкхонасида қиймати салкам 48 миллион сўмлик, оғирлиги қарийб 13 тонна бўлган консерваланган мол гўшти маҳсулотлари борлиги аниқланди. У ноқонуний равишда олиб келинаётган экан.***

Хорижда ишлаб чиқарилган, божхона расмийлаштирувидан ўтмаган, жами 37 минг 300 банкадаги ана шу маҳсулотлар марказий божхона лабораториясида текшириб кўрилганда, улар давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди ва истеъмолга яроқсиз, деб топилди.

Ушбу сифатсиз маҳсулотларни белгиланган манзилга элтиб бериш эвазига маълум ҳақ олишни кўзлаган ҳайдовчи Ё. Собитов юк эгаларини танимаслигини айтди. Қизиқ, юк эгасини танимай туриб, қандай қилиб йўлга чиқиш мумкин?

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолати юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

## «Тилла операцияси»га чек қўйилди

***Тошкент вилоятидаги "Ғиштқўприк" божхона мажмуаси ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда йирик миқдордаги "тилла операцияси"га чек қўйишди.***

Қўшни давлат фуқароси Анаржан Кульметова божхона назоратидан ўтказилганда, у ўз қоматига мослаб тикилган нимчага ўхшаш матоҳ ичига 61 дона тилла қуймаларни устомонлик билан жойлаб, юртимизга яширинча олиб кирмоқчи бўлган. Божхона тўловларини тўламасдан, ноқонуний равишда олиб киришга уринилган тилла қуймаларнинг умумий қиймати 292 миллион сўмдан ошиқ экан.

Мазкур божхона мажмуаси ходимлари фуқаро О. Исаходжаевани умумий қиймати қарийб 12 млн. сўмлик, оғирлиги 583 грамм бўлган 116 дона қимматбаҳо тақинчоқларни қўшни республикадан юртимизга ноқонуний олиб кираётганида тўхтатиб қолишди.

Истанбулдан учиб келган фуқаро Р. Баҳронова Тошкент халқаро аэропортида божхоначилар томонидан назоратдан ўтказилганда, у умумий қиймати қарийб 14 млн. сўмлик, оғирлиги 720 граммдан зиёд, жами 125 дона заргарлик буюмларини қонунга хилоф равишда юртимизга олиб кираётгани фош бўлди. Р. Баҳронова тилла тақинчоқларни шахсий буюмлари орасидаги 4 дона тиш ювиш пастаси ҳамда 2 қути шоколад конфети ичига билинмайдиган қилиб жойлаб, фириб бермоқчи бўлган экан.

**Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати.**


ТДТУ қошидаги
«Фан ва тараққиёт»
илмий-технологик комплекси

*2007 йил учун докторантура ва аспирантурага қабул эълон қилади.*

ДОКТОРАНТУРА

*Композицион материаллар кимёси ва технологияси — 2 ўрин.*

АСПИРАНТУРА

*Полимерлар физикаси — 1 ўрин.*
*Юқори молекулали бирикмалар кимёси — 1 ўрин.*
*Композицион материаллар кимёси ва технологияси — 1 ўрин.*
*Машинасозликда материалшунослик — 1 ўрин.*
*Силикат ва металл бўлмаган, қийин эрийдиган материаллар технологияси — 1 ўрин.*

Манзил: Тошкент ш., Мирзо Ғолиб к., 7-«А» уй.
Телефон: 246-39-28.
1471R/1789



РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
«ҒАЛЛАБАНК»
«G`ALLABANK»



Республикамиз аҳолиси ҳамда ўзининг доимий мижозлари учун 15 дан ортиқ жозибадор омонат турларини жорий этгани ҳолда, 2007 йил 15 октябрдан 2007 йил 15 декабргача бўлган муддат давомида қабул қилиш шарти билан қисқа муддатли «Hamkor», «Qadriyat» ва «Yosh oila» номли юқори фоиздаги янги омонат турларини таклиф этади.

***«HAMKOR»*** омонат турига маблағлар ***1 ой*** сақлаш ва ***йиллик 25 фоиз*** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат учун устама фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

*Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори —* **100 минг сўм.**

***«QADRIYAT»*** омонат турига маблағлар ***3 ой*** сақлаш ва йиллик **25 фоиз** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади.

*Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори —* **100 минг сўм.**

***«YOSH OILA»*** омонат турига маблағлар ***6 ой*** сақлаш ва йиллик ***25 фоиз*** устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб борилади.

*Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори —* **100 минг сўм** *қилиб белгиланган.*

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

**Мижозлар маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.**

**Эслатиб ўтамиз, «Ғаллабанк» «фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди»нинг доимий аъзоси ҳисобланади.**

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!
1578Н/1787



Минск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий вакили
«ADVENT EURASIA» ҚК

«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, автомобилларга бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.










Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохобчасида рўйхатга олинади ва техник хизмат кўрсатилади.

*Кафолат муддати — 3 йил.*

Тел./факс: 134-10-97.
Телефонлар: 134-19-53, 339-50-68.
Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-«А» уй, 4-қават, 413-хона.
Мўлжал — «Юлдуз» фабрикаси.
1472R/1346



Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
факс 134-49-58



NURON
Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй.
Тел.: 294-60-60.
Факс: 120-74-93.
www.nuron.uz
Маҳсулот сертификатланган.

Сервер
PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

LCD Мониторлар
SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил



Ноутбуклар
FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.
Кафолат — 2 йил

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS



Шахсий компьютер FSC
ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил





РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

**2008 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича аспирантуранинг кундузги бўлимига ҳужжат қабул қилади:**

**15.00.09 — ижтимоий психология; этнопсихология.**
**13.00.01. — умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи.**

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, 2007 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй. (Мўлжал: Республика давлат мулки қўмитаси, 11-қават, 2-хона). Телефонлар: 139-21-47, 139-22-59.**
1539Н/1861


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банк аппарати бўлими бошлиғи Абдуқаҳҳор Алимовга падари бузруквори

**ТЎХТАСИН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси психиатрия, наркология ва болалар психиатрияси, тиббий психология, психопрофилактика, психогигиена, психотерапия кафедрасининг профессори

**Турсун Исмоилович ИСМОИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 00.35 23456